

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
OLIIY ATTESTATSIYA
KOMISSIYASI**



**SUPREME ATTESTATION
COMMISSION
AT THE CABINET OF MINISTERS
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100047, Toshkent sh., Y. G‘ulomov ko‘chasi, 70
Tel.: (71) 233-28-83. Fax: (71) 233-06-47
e-mail: info@oak.uz www.oak.uz

70, Y. Gulomov str., Tashkent, 100047
Tel.: (71) 233-28-83. Fax: (71) 233-06-47
e-mail: info@oak.uz www.oak.uz

Javob qaytarganda shu № ko‘rsatilsin
When you answer show this №

№ 01-02/2251 « 10 » 11 2021 y.

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори Г. Абдурахмановага**

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Сизга 13.00.02-“Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (иқтисодиёт фанлари)” ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон қабул қилиш комиссияси таркиби ва дастури маъқулланганини маълум қилади.

Илова: 1 varaқ, 1 та дастур.

Асос: Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг мурожаати (14.10.2021 й., №04-04/1-4975); ОАК Педагогика ва психология фанлари бўйича эксперт кенгашининг тавсияси (28.10.2021 й., №17); ОАК Тартиб-қоида комиссиясининг қарори (29.10.2021 й., №10/22а); ОАК Раёсатининг қарори (30.10.2021 й., №308/4).

Раис

А.Т.Юсупов

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
13.00.02-“Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (иқтисодиёт фанлари)”
ихтисослиги бўйича малакавий имтихон комиссияси
ТАРКИБИ

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Иш жойи, лавозими, илмий даражаси, илмий унвони, ихтисослик шифри
1.	Хакимова Муҳаббат Файзиевна (раис)	Тошкент давлат иқтисодиёт университети Инновацион таълим кафедрасининг мудири, педагогика фанлари доктори, профессор
2.	Ҳимматалиев Дўстназар Омонович (раис ўринбосари)	Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг профессори, педагогика фанлари доктори
3.	Мамаражабов Шавкат Эргашевич (котиб)	Тошкент давлат иқтисодиёт университети Инновацион таълим кафедрасининг доценти, педагогика фанлари номзоди
4.	Хайдаров Мамат Эшқулович	Тошкент давлат педагогика университети профессори, педагогика фанлари доктори
5.	Асқарова Мавлуда Туробовна	Тошкент давлат иқтисодиёт университети Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш кафедрасининг мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент
6.	Файзуллаева Нилуфар Саъдуллаевна	Тошкент давлат иқтисодиёт университети Инновацион таълим кафедрасининг доценти, педагогика фанлари номзоди
7.	Шоюсупова Наргиза Тургуновна	Тошкент давлат иқтисодиёт университети Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси доценти. Иқтисод фанлари номзоди

ASL TO'QRI

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети ректори

К. Шарипов



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

ОАК раиси А.Т. Юсуфов



**13.00.02 - «ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ»
ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА МАЛАКАВИЙ ИМТИҲОН
ДАСТУРИ (иқтисодиёт фанлари)**

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссияси Педагогика фанлари бўйича эксперт
кенгашининг қарори билан тавсия этилган
(_____, № _____)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
ТДИУ Илмий ишлар ва
инновациялар бўйича
проректор Г.К. Абдурахманова

“ _____ ” _____ 2021 йил

“ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ” КАФЕДРАСИ
13.00.02 – “Таълим - тарбия назарияси ва методикаси”
ихтисослиги бўйича таянч докторантурага кириш имтиҳони

ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ – 2021

Дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 2021 йил “___”
_____ даги Кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Инновацион таълим”
кафедрасининг 2021 йил “___” _____ даги “_____” – сон йиғилишида
муҳокама қилинган ва тавсия этилган.

Кафедра мудири _____ М.Ф. Хакимова

Тузувчилар:

М.Ф. Хакимова

– ТДИУ, “Инновацион таълим” кафедрасининг
мудири, педагогика фанлари доктори, профессор

Ш.Э. Мамаражабов

– ТДИУ, “Инновацион таълим” кафедрасининг
доценти, педагогика фанлари номзоди

Такризчилар:

1. З.К.Исмаилова

– ТИҚХММИ, “Педагогика, психология ва ўқитиш
методикаси” кафедрасининг мудири, педагогика
фанлари доктори, профессор

2. Н.С. Файзуллаева

– ТДИУ, “Инновацион таълим” кафедрасининг
доценти, педагогика фанлари номзоди

КИРИШ

Замонавий глобаллашув шароитида талабаларни касбий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг педагогик асосларини индивидуаллаштириш ва компетенциявий ёндашувлар интеграцияси асосида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, бўлажак педагогларни ижодкорлик руҳида тарбиялашнинг педагогик асосларини такомиллаштириш, талабаларни инновацион ёндашувлар асосида тарбиялашни замон талаблари асосида ривожлантириш, тарбия жараёнини медиатеchnологиялар воситасида ташкил этишнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларининг креатив салоҳиятини ошириш, касбий ижодий қобилиятларини ривожлантириш, мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантириш, ўқув режа, дастур ва адабиётларни яратиш тизимини янада такомиллаштиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди, таълим тизимини моддий-техник базаси ривожлантирилди. Бўлажак мутахассислар учун олий таълим муассасасида таълим олиш жараёни – педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга оширишда касбий жиҳатдан аҳамиятли саналган сифат, билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш ҳамда ўз-ўзини такомиллаштиришнинг энг мақбул даври ҳисобланади. Таълим соҳасида олиб борилаётган ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати ижтимоий жамият тараққиётини таъминловчи устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Республикамиз олий таълим тизимида мутахассисларни тайёрлаш тизимини замон талаблари даражасида қайта ташкил этиш мақсадида иқтисодий таълимнинг ҳалқаро андозаларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, дунёнинг ривожланган ва бозор иқтисодиёти амал қилаётган мамлакатларнинг деярли барчаси янги механизмнинг кескин ўзгаришларига мослаша оладиган ва ҳар қандай шароитда рақобатлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш борасида замонавий иқтисодий таълим тизимига эгадирлар.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 16 июнь куни олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди¹. Унда ёшларни билим ва малакали этиб тарбиялаш, жаҳон тараққиётига мос мутахассислар тайёрлаш мақсадида таълим тизими изчил ривожлантирилаётганлиги, олий таълим соҳасидаги дастлабки ислохотлар, аввало, камровни ошириш, институт ва университетларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, профессор-ўқитувчиларни моддий кўллаб-қувватлашга

¹ Ш.М.Мирзиёев. Олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. – Т.: 2021 йил 16 июн.

қаратилаётганлиги таъкидланиб, шу ўринда давлатимиз раҳбари соҳадаги 4 та устувор вазифани кўрсатиб ўтдилар.

Бугунги кунда мамлакатимиз педагог олимлари ва амалиётчилари томонидан илмий асосланган илғор таълим технологиялари ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни таълим-тарбия жараёнига жорий этиш, меъёрий хужжатларни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустақкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, таълимда инновацион фаолият, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб этишга оид илмий изланишларга эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам меҳнат бозори ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу вазифаларни илмий-назарий жиҳатдан ҳал этишда олий таълимда бакалаврият таълим йўналишларининг умумқасбий ва ихтисослик фанларидан тузилган фан дастурлари мазмуни ҳозирги замон инновацион ва педагогик технологиялари ёрдамида тегишли мутахассисликка оид амалий масалаларни ечиш бўйича ўқитишни мақсад қилиб қўйган. Бу эса олий таълимда фанлараро интеграцияни таъминлаш имкониятларидан унумли ва мақсадли фойдаланиш таълим жараёни самарадорлиги, кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга ижобий таъсир қилишини кўрсатади.

Таълим сифатини янада такомиллаштириш, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ўқитиш сифатини таъминлаш, етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги ўқув дастурларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш ҳозирги пайтда давр талабига айланиб бормоқда.

Ушбу дастур олий таълимдан кейинги таълимда илмий педагогик кадрларни тайёрлаш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, замонавий мутахассисларни касбий фаолиятида фойдаланиш учун уни ўзлаштиришга қаратилган. Олий таълимдан кейинги таълимда бўлган босқичларда орттирилган билимларга таянган ҳолда олий таълим муассасасида педагогика фанини янада чуқурроқ эгаллаш ва танланган касбига йўналтирилган ҳолатда ўзлаштиришни кўзда тутди.

Дастур 13.00.02 – “Таълим-тарбия назарияси ва методикаси” ихтисослиги паспортига тегишли бўлган барча масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Малакавий имтиҳон дастури 13.00.02 – “Таълим-тарбия назарияси ва методикаси” ихтисослиги бўйича педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгор катта илмий ходим-изланувчилар ва PhD институти учун мўлжалланган.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

1-Мавзу. Ўзбекистон Республикасида профессионал таълим шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари

Глобаллашув шароитида профессионал таълим шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари. Ўзбекистон Республикасида профессионал таълимнинг ривожланиши. Фаннинг мақсади ва вазифалари. Касбий таълим методикаси, методология, метод тушунчаларнинг мазмуни. Касбий таълимнинг мазмуни. Иқтисодий фанларни ўқитишда фойдаланиладиган асосий тушунчалар моҳияти. Иқтисодий тоифа ва тушунчаларни баён этиш методикаси.

2-Мавзу. Таълим-тарбия назарияси ва методикасининг мазмуни, мақсади ва вазифалари

“Таълим тўғрисида”ги Қонун (Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Қонуни) таълим назарияси ва методологиясининг асоси сифатида. Юқори малакали кадрлар тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Кадрлар тайёрлашдаги касбий-малакавий ўзгаришлар. Таълим мазмуни ҳақида тушунча. Таълим мазмунини белгиловчи объектив ва субъектив омиллар. Таълимда шахсий хусусиятларни ҳисобга олиш. Таълим тизимининг босқичлари, турлари. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида касбий таълим жараёнининг моҳияти ва тузилиши. Касб таълимининг асосий компонентлари – таълим мазмуни, ўқитиш, тарбиялаш, касбий билим, малака, кўникмалар.

3-Мавзу. Ўзбекистонда Республикасида таълим тизими

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва унда ҳар томонлама баркамол, малакали мутахассисларни тарбиялаб вояга етказиш жараёнининг моҳияти. “Ёшларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастури ва унда амалга ошириладиган вазифалар. Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш зарурлиги. Мамлакатда илм-фанни янада раванқ топтириш. Ёшларни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш.

4-Мавзу. Касбий таълимнинг умумий асослари

Ўқитиш жараёнининг моҳияти ва қонуниятлари. Ўқитишнинг психологик асослари. Ўқувчи-талабаларнинг ўқув фаолияти. Ўқув фаолиятининг тузилиши. Ўқув фаолиятини шакллантириш. Ўзлаштириш жараёни. Ўзлаштириш даражаси. Таълимни ташкил этиш шакллари ҳақида тушунча бериш. Дарсга бўлган талаблар ҳақида. Анъанавий ва ноъананавий дарсларни ташкил этиш услубиёти.

Дарс жараёнида талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичларини таҳлил қилиб бориш. Дарс турлари ва уларнинг тузилиши.

4-Мавзу. Таълим тизимида бошқарув фаолиятини ташкил қилиш шарт – шароитлари, тамойиллари ва усуллари

Бошқарув фаолиятининг илмий асослари, ўқув-тарбия жараёнини бошқариш тамойиллари, усуллари ва воситаларини ўрганиши. Ўқитувчи-педагогнинг хусусий фанлар асосларини ўқитишга йўналтирилган амалий машғулотлар жараёнини ноанъанавий шаклларда ташкил этиш, таълим жараёнини мукаммал андоза асосида лойиҳалаш, мазкур лойиҳалардан оқилона фойдалана олиш, амалий машғулот жараёнида таълим олувчининг назарий билимларини пухта ўзлаштириш, уларда амалий кўникма ва малакаларга эришувини таъминлашда бошқарувнинг роли.

5-Мавзу. Тарбиянинг келиб чиқиши

Ижтимоий тузумларда таълим-тарбия ва унинг мазмуни. Жаҳон педагогика фанининг тараққиёт босқичлари. Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим-тарбия, педагогик қарашлар. Жаҳон педагогика фани ривожланишига ҳисса қўшган буюк педагогларнинг ижтимоий педагогик фаолиятлари ва педагогик қарашлари.

6-Мавзу. Таълим - тарбиянинг назарий асослари

Таълим турлари, шартлари ва механизмлари. Ўқув фаолиятининг психологик моҳияти. Ўқув фаолиятининг беш элементи. Ўқиш мотивлари. Билимларни ўзлаштириш жараёни ва унинг психологик компонентлари. Таълимнинг ноанъанавий усуллари. Таълим ва ривожланиш муаммосига доир назариялар. Мустақил тафаккурни ривожлантириш. Педагогик технологиялар. Кўникма ва малакаларни шакллантириш. Ўқув фаолиятини бошқариш. Тарбия мақсадлари, усуллари ва ёндашувлари. Ривожлантирувчи таълим. Хулқ-атвор ва одатни шакллантириш - шахсни тарбиялашнинг асосий йўналиши сифатида.

7-Мавзу. Шахс шаклланишининг умумий қонуниятлари

Шахс ҳақида тушунча. Шахснинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар. Биологик омилнинг шахс тараққиётидаги ўрни. Ижтимоий омил ва унинг шахс шаклланишига таъсири. Мақсадга мувофиқ олиб бариладиган таълим-тарбия. Ўз-ўзини тарбиялаш. Шахс шаклланишида қарама-қаршиликларни ўрни. Ички ва ташқи қарама-қаршилик.

8-Мавзу. Иқтисодий ривожланган хорижий давлатларда таълим тизими

Ривожланган давлатлар Германия, Англия, Францияда таълим тизимининг тузилиши ва ўзига хос хусусиятлари. Ривожланган хорижий давлатлардаги таълим-тарбия, мактаб ва маориф тараққиётининг асосий йўналишлари. АҚШ да таълим тизимининг тузилиши. Таълим босқичлари. Япония таълим тизимининг таркиби, боғчалар, бошланғич мактаб, кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб, олий таълим тизими. Бу давлатлардаги таълим тизимининг ютуқлари ва камчиликлари. Ривожланган хорижий давлатлар ва Мустақил Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги ўзаро уйғунлик масалалари.

9-Мавзу. Иқтисодий таълим тизимида кейс технологияларидан фойдаланиш. Лойиҳа методи, мақсад ва вазифалари

Кейс-стади методини келиб чиқиш тарихи. Кейс технологиясининг тузилиши, турлари. Кейс технологиясининг мазмуни, мақсади. Ўқув жараёнида кейсларни ишлаб чиқиш ва унинг асосида талабаларнинг фаолиятини ташкил этиш маҳорати. Иқтисодий таълим тизимида кейс технологияларидан фойдаланиш. Чет эл таълим тизимида кейс технологиялари. Кейс технологиясининг долзарблиги ва аҳамияти.

Лойиҳа методи, унинг мазмуни ва мақсади. Лойиҳанинг турлари. Лойиҳа методини ишлаб чиқиш қоидалари. Олий таълим тизимида лойиҳа методидан фойдаланишнинг аҳамияти. Иқтисодий таълим тизимида лойиҳа технологиялари. Ўқув жараёнида лойиҳа методини қўллаш маҳорати. Чет эл таълим тизимида лойиҳа методидан фойдаланиш амалиёти.

10-Мавзу. Касбий фанларни ўқитиш услубиёти

Касб таълими методларининг умумий тавсифномаси. “Метод”, “Методика”, “Методология” тушунчалари. Таълим методлари классификацияси. Ўқитиш усулининг таълим технологиясидаги ўрни ва роли. Сухбат, оғзаки, машқ, кўргазмалилик, маъруза, ҳикоя, видеоусул, китоб билан ишлаш, лобаратория, ишбилармон ўйинлар, баҳс, мунозара, муаммоли усул, тестлар усули, лойиҳалар усули. Таълим олувчиларнинг ўқув, билим фаолиятини ташкил этиш. Таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш. Таълим мезонларини танлаш.

11-Мавзу. Педагогик бошқарув ва педагогнинг маҳорати

Педагоглар касбий маҳоратининг асосий компонентлари. Ўқувчилар гуруҳларида ўзаро муносабатларни бошқариш. Таълим жараёнида ўқувчи-

талабаларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини инобатга олиш. Ўқувчиларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари. Мактабга ижтимоий-психологик мослашув йўллари. Ўқувчилар интеллектуал ривожланишида кичик мактаб даврининг аҳамияти. Талабалар гуруҳий фаолиятини ташкил этиш. Ўқув жараёни давомида юзага келадиган муаммолар. Таълим жараёнини бошқаришда гуруҳнинг ва ўқувчи-талабаларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш.

12-Мавзу. Профессионал таълим муассасида тарбиявий ишлар назарияси ва амалиёти

Профессионал таълим муассасаларида тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари. Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли. Тарбиявий ишлар назарияси. Буюк алломаларни тарбия соҳасидаги педагогик фикрлари, тажрибалари. Тарбия жараёнини тарбияланувчиларнинг қизиқишлари, имкониятлари, талаб ва таклифларини ҳисобга олиб ташкил этиш. Тарбиянинг мураккаб жараён эканлиги ва унинг миллий ғоя, миллий мафкурага боғлиқлиги. Ўқув юрти, оила, маҳалла ва жамоатчиликнинг биргаликдаги тарбиявий ишларини такомиллаштириш вазифалари. Профессионал таълим муассасаси – баркамол авлодни тарбиялаш тизимининг бош бўғини. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг вазифалари. Одоб-ахлоқ асослари. Талаба-ёшларда маънавий-ахлоқий одатларни тарбиялашнинг вазифалари.

13-Мавзу. Касб таълими жараёнида турли педагогик услубларни қўллаш

Ҳозирги замон ўқитиш воситаларининг яратилиши, тавсифномаси. Ўқитиш воситаларининг ривожланиш истиқболлари. Таълимий фикрлашни ривожлантириш. Анъанавий ва ноанъанавий дарс бериш услублари. Америкача ва инглизча мунозара. Кичик гуруҳларга бўлиб ишлаш, дебатлар, баҳс мунозараларни ташкил этиш усуллари. Дарсларни аниқ йўналтирилган саволлар асосида олиб бориш услуби. Гуруҳларни жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиши услуби. Дарс жараёнида моделлаштирувчи ўйинларни қўллаш. Моделлаштирувчи ўйин усулининг афзалликлари.

14-Мавзу. Тарбия назарияси

Тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари. Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли. Баркамол шахсни шаклланишида тарбия усуллари ва турларининг аҳамияти. Тарбия назарияси. Буюк алломаларнинг тарбия соҳасидаги педагогик фикрлари, тажрибалари. Тарбия методлари. Ўқитувчи-педагог ижодий фаолият эгаси. Тарбия жараёнини тарбияланувчиларнинг

қизиқишлари, имкониятлари, талаб ва таклифларини ҳисобга олиб ташкил этиш.Тарбияланувчиларни миллий ғоя, миллий мафкура руҳида тарбиялаш, виждон ва уни тарбиялаш, меҳнат тарбияси, ақл тарбияси, эркин фикрлаш руҳида тарбиялаш, одоб-ахлоқ асослари. Тарбия методларини оптимал танлаш ва самарали қўллаш шартлари. Тарбия методларини такомиллаштириш.

15-Мавзу. Таълимнинг замонавий ташкилий шакллари

Таълим шаклларининг тарихан пайдо бўлиши, дарс-таълимнинг асосий шакли. Дарсга қўйилган асосий талаблар, дарс самарадорлигини ошириш омиллари. Дарс турлари. Маъруза ва семинар дарслари. Экскурсия. Лаборатория. Такрорлаш ва умумлаштириш дарслари. Таълимни ташкил этишнинг шаклларини танлаш усул ва услублари. Ўқув жараёнида талабалар мустақил ишини ташкил этишнинг услублари. Курс иши, илмий доклад-мустақил изланишнинг асосий шаклидир.

16-Мавзу. Касб таълимида маъруза ва унга қўйиладиган асосий талаблар

Олий таълимни ташкил этиш шакллари. Маъруза ва унга қўйиладиган асосий талаблар. Маърузаларнинг турлари. Кириш маърузаси, якунловчи маъруза, обзорли маъруза. Маърузанинг функциялари, маърузада реал фактлар маълумотларнинг ўрни. Маърузани баён қилиш услублари. Маъруза матнини тайёрлашга қўйиладиган асосий талаблар. Маърузада индуктив ва дедуктив услубларни қўллашнинг аҳамияти. Маъруза жараёнида педагогнинг касбий маҳорати.

17-Мавзу. Таълим муассасасини бошқариш

Педагогик жамоа – ўқув муассаси бошқаришнинг объекти. Педагогик бошқариш тушунчаси. Ўқув-тарбиявий жараёни бошқариш. Педагогик фаолиятни фаоллаштириш. Педагогик фаолиятни бошқариш дастури. Ахборотларни қабул қилиш ва уларнинг таҳлили. Раҳбар ва унинг шахси: маънавий етуклиги, интизом ва меҳнатга бўлган муносабати, билим даражаси, ташкилотчилик қобилияти, бошқариш самарадорлигини ташкил қила олиш қобилияти. Шахс ривожланишини ҳаракатга келтирувчи куч. Таълим муассасаси бошқарувининг педагогик йўналтирилганлиги. Бошқарув фаолиятини амалга оширишда маркетинг. Таълим тизимини бошқариш структураси.

18-Мавзу.Таълим назарияси. Таълим методлари. Таълим тамойиллари

Дидактика-педагогиканинг таълим назарияси ва амалиёти асосларини ўргатувчи бўлим. Мутахассислар тайёрлаш миллий дастурида таълимга янгича

ёндашиш. Таълимни ижтимоий- иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш ғояси. Таълимнинг жараёнлиги. Таълим методи, таълимнинг мақсади ва вазифаларига боғлиқлиги. Методларни ўқувчиларнинг ёшига, таълимнинг мазмунига ва функцияларига қараб танлаш. Таълим воситалари. Таълим методларини таълимнинг мақсади ва вазифаларига боғлиқлиги. Таълим воситалари. Дидактик ўйинлар.

19-Мавзу. Ўз-ўзини бошқариш педагогикаси

Ўз-ўзини бошқариш ва тарбиялаш ахлоқий сифатлардан бири эканлиги. Ўз-ўзини бошқаришнинг мутахассис шахсини шакллантиришдаги ўрни. Иродавий сифатлар: ўз-ўзини тута билиши ва ички қайғуриши. Мутахассис характеридаги одатлар: ижодкорлик, хушчақчақлик, маданиятлилик, хушмуомалалик. Мутахассис ўз ижодий фаолиятини бошқаришининг йўналишлари: ўз-ўзини танқид, ишбилармонлик, хаёлий ижодкорлик, ташаббускорлик, бошланган ишни ниҳоясига етказиш ва ўз устида ишлаши. Ўз-ўзини бошқаришнинг илмий ва педагогик асослари.

20-Мавзу. Таълим методлари

Таълим методларининг умумий тавсифномаси. Оғзаки метод, китоб билан ишлаш, кўрғазмали метод, амалий метод ва уларнинг таърифи. Ўқитишнинг репродуктив ва муаммоли-изланиш методлари. Назарий таълим методлари. Таълим оловчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш методи. Ўқув фаолиятига қизиқтириш ва рағбатлантириш методи. Ишлаб чиқариш таълими методи. Меҳнат фаолиятининг ҳаракатларини кўрсатиш методи. Машқлар ва мустақил ишлаш. Ишлаб чиқаришда фаоллик методи. Таълим оловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш. Назарий таълимда таълим оловчиларнинг билим ва кўникмаларини тест орқали текшириш. Таълим методларини танлаш.

21-Мавзу. Таълим мазмуни

Ўзбекистонда таълимнинг асосий мазмуни. Таълимнинг давлат таълим стандарти. Таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш. Ўқув юкларининг меъёрига келтирилиши. Таълим оловчилар билимини баҳолаш мезонларининг ишлаб чиқилиши. Ўқув-тарбия жараёнини педагогик ва ахборот технологиялари билан таъминланиши. Битирувчилар малакасига нисбатан меъёрлар ва талабларнинг белгиланиши. Кадрларнинг мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминланиши. Таълим мазмуни тузилмасининг макродаражаси. Умумтаълим ва касбий тайёргарлик. Микродаражадаги ўқитиш мазмунининг тузилмаси.

22-Мавзу. Касб таълими жараёни

Педагогик жараённинг моҳияти ва тузилиши. Касб таълими жараёнида мазмун, ўқиш, ўқитиш, тарбиялаш асосий боғловчи компонент эканлиги. Илмий билимларни эгаллаш. Муайян фанлар ўртасидаги боғланишларни идрок қилиш, уларни изоҳлай билиш, мустақил равишда умумлаштириш. Касбий таълимнинг тамойиллари. Асосий йўналишдаги ривожланган техника ва илмий ўқитиш. Иш жараёнида соҳавий билимлар ва уларни фанда қўлланилиши. Педагогик жараённи лойиҳалаш. Лойиҳалашнинг объекти ва муаммолари. Педагогик лойиҳалашнинг умумий алгоритми. Таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш. Ўқув материални қабул қилиш. Ўқув материални самарали ўзлаштиришнинг ички шароитлари. Касб таълими жараёнида шахсий малакавий билимлар олиш. Шахсий маълумот мазмуни. Малакали ривожланишнинг субъектив мониторинги. Таълим олувчиларнинг малакавий ривожланишини шахсий мўлжалга олиш технологияси. Касбий таълимнинг самарадорлик мезони.

23-Мавзу. Оилада тарбия асослари. Ҳозирги замон ўзбек оилаларидаги тарбиянинг хусусиятлари

Оилада бола тарбияси. Оилани мустахкамлаш тўғрисидаги Давлат ва ҳукумат ғамхўрлиги. Буюк мутафаккирлар оила тарбияси ҳақида. Оила тарбиясида миллий анъаналар ва умуминсоний кадриятлардан фойдаланиш. Оила-умуминсоний кадрият ва жамиятнинг бирламчи асоси сифатида. Оилада ҳаёт, унинг урф-одатлари, анъаналари, фуқоролик етуқлиги ва маданий муносабатларнинг тарбия жараёни ва натижаларига таъсири. Оилада бола ҳаётини уюштириш: кун тартиботи, мажбуриятлари, талаблар, болаларнинг уй меҳнатида иштирок этиши.

24-Мавзу. Таълимни ташкил қилиш тизими

Таълимни ташкил қилиш ва уни такомиллаштиришнинг зарурлиги. Таълимни ташкил қилиш ва уни бошқариш ҳақида умумий тушунча. Бошқарув функцияси ва унинг мазмуни: мотивация (қизиқиш уйғотиш) мақсадни белгилаш, педагогик таҳлил, режалаштириш ва бажарилишини ташкил этиш, назорат, тартибга солиш ва ўзгартиришлар киритиш. Педагогик жараённи ташкил қилиш ва бошқариш принциплари. Бошқарувнинг мақсади, мазмуни, методлари, шакллари ва усуллари.

Профессионал таълим муассасалари узлуксиз таълимнинг таркибий қисми сифатида. Педагогик кенгаш – ўқув юртини жамоа бўлиб бошқаришнинг Олий органи. Ўқув юртининг педагогик жамоаси ва унинг фаолияти. Ўқув юртининг

ички назорати: функцияси, принциплари, шакл ва методлари. Метод бирлашмалар, ўқув-методик кенгашлар ва уларнинг фаолияти.

25-Мавзу. Дидактика – таълим назарияси

Дидактика ҳақида тушунча. Дидактиканинг предмети ва асосий вазифалари. Дидактиканинг асосий категориялари. Таълим мазмуни ҳақида тушунча. Таълим мазмунини белгиловчи объектив ва субъектив омиллар. Таълимнинг икки томонлама жараён эканлиги, таълим жараёнининг асосий таркибий элементлари, мақсадлари, вазифалари, услублари. Таълим – билиш фаолиятида воқеликни билишнинг махсус шакли эканлиги. Мустақилликни мустаҳкамлаш таълимнинг моҳияти – мазмуни эканлиги.

Таълим қонуниятлари: таълимнинг жамият эҳтиёжларига боғлиқлиги, таълимда маълумот бериш. Таълим қоидалари ҳақида тушунча. Таълимнинг илмийлиги. Таълимда узвийлик ва изчиллик. Таълимда онглик ва фаоллик. Таълимнинг кўрсатмалари бўлиши. Таълим тизимини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш. Таълимда шахсий хусусиятларни ҳисобга олиш.

26-Мавзу. Таълим тизимини бошқаришнинг илмий асослари ва стратегияси

Таълим тизимини бошқариш. Бошқарувнинг кўп илм талаб этишлиги. Бошқаришнинг илмий асослари ва умумий қоидалари. Бошқариш стратегияси ва унинг асосий вазифалари. Таълим муассасасининг мақсадларга эришиш стратегиясини ишлаб чиқиш. Стратегияни татбиқ этиш ва амалий қўллаш. Таълим тарбия жараёнини баҳолашнинг инновацион йўналишларини ўрганиш.

27-Мавзу. Таълим муассасасида ўқув-тарбия жараёнини бошқариш асослари

Ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаш ва бошқариш воситалари. Лойиҳалашни иқтисодий таъминлаш ва амалга оширишни ташкил этиш масалалари. Давлат таълим стандартларининг ташкилий бошқарув функцияси. Таълим сифатини бошқариш. Ўқитиш сифатига ва мутахассис кадрларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар, уларга таъсир этувчи омиллар. Аккредитация ва аттестация қилишнинг аҳамияти ва уни ташкил этиш асослари. Ташқи аттестация ва ўз-ўзини аттестациялашнинг мазмуни. Мустақил таълимни бошқариш. Таълим-тарбия жараёнини назорат қилиш.

28-Мавзу. Олий таълим жараёни

Педагогик жараённинг моҳияти ва тузилиши. Олий таълим жараёнида мазмун, ўқиш, ўқитиш, тарбиялаш асосий боғловчи компонент эканлиги.

Илмий билимларни эгаллаш. Муайян фанлар ўртасидаги боғланишларни идрок қилиш, уларни изоҳлай билиш, мустақил равишда умумлаштириш. Таълимнинг тамойиллари. Асосий йўналишдаги ривожланган техника ва илмий ўқитиш. Иш жараёнида соҳавий билимлар ва уларни фанда қўлланилиши. Педагогик жараёни лойиҳалаш. Лойиҳалашнинг объекти ва муаммолари. Педагогик лойиҳалашнинг умумий алгоритми. Таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш. Ўқув материални қабул қилиш. Ўқув материални самарали ўзлаштиришнинг ички шароитлари. Олий таълим жараёнида шахсий малакавий билимларни олиш. Шахсий маълумот мазмуни. Малакали ривожланишнинг субъектив мониторинги. Таълим олувчиларнинг малакавий ривожланишини шахсий мўлжалга олиш технологияси. Касбий таълимнинг самарадорлик мезони.

29-Мавзу. Маъруза ва семинар машғулотларини ташкил этиш услугиёти

Маъруза, унинг ўқув жараёнида тутган ўрни ва унга қўйиладиган талаблар ҳақида. Олий таълим тизимида қўлланиладиган маъруза турлари. Семинар дарси ва унинг ўқув жараёнида тутган ўрни. Семинар ва амалий-тажриба ишлар шаклидаги машғулотлар. Семинар дарсини технологик ёндашув асосида ташкил қилиш. Семинар дарсининг турлари ва функциялари.

30-Мавзу. Ўқув жараёнида талабалар мустақил ишларини ташкил этиш

Ўқитишнинг асосий шакллари маъруза, семинар, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, маслаҳат дарси аудиторияда ташкил этилиши. Уларни ташкил этиш мавзулар мураккаблиги даражасига, бериладиган ахборот миқторига кўра аввалдан режалаштирилиши, ўқув соатлари ажратилиши. Билим олиш, махсус малакага эга бўлиш, талабларини дунёқарашини шакллантиришда аудиторияда ўтиладиган дардан ташқари талабалар томонидан бажарилган мустақил ишларнинг аҳамияти. Талабалар мустақил ишини ташкил қилиш шакллари, мустақил ишларнинг турлари, мустақил таълимни ташкил этишда талабалар вақтини тўғри тақсимлашнинг аҳамияти.

31-Мавзу. Тадқиқотларнинг илмий-техник ва иқтисодий самарадорлиги

Ривожланган хорижий давлатлар таълим тизимидаги ҳозирги йўналишлари. Хорижий давлатлардаги бакалавр ва магистрларни тайёрлашни бошқариш тажрибаси. Халқаро ҳамкорлик ва битимлар. Ривожланган мамлакатларда олий

таълимни молиялаштириш. Хорижий олий таълим муассасасида тижорат фаолияти. Хорижий олий таълим муассасаларини молиялашнинг ўзига хос жиҳатлари.

32-Мавзу. Касбий таълим жараёнида ўқитишни ташкиллаштиришнинг назарий асослари

Ўқитиш жараёнининг моҳияти ва қонуниятлари. Ўқитишнинг психологик асослари. Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти. Ўқув фаолиятини тузилиши. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини шакллантириш. Ўзлаштириш жараёни. Ўзлаштириш даражаси. Ўқитиш мақсадлари. Мутахассис модели ўқитиш мақсадларини белгилашнинг асоси сифатида. Ўқитиш мақсадларини белгилаш йўллари. Мақсадлар таксономияси. “Билимлар иқтисодиёти”, “Касбий компетентлик” фанлари мавзулари бўйича ўқитиш мақсадларини белгилаш методикаси.

33-Мавзу. Касбий фанларни ўқитишда индивидуллаштирувчи ва дифференциаллаштирувчи ўқитиш технологиялари

